



МУАММОНИНГ КАТТА- КИЧИГИ ЙЎҚ

Оддий фуқаро қутилмаганда рўбарў келадиган, унинг ҳаловати ва вақтини ўғирлайдиган масалалар, аслида, қимнингдир эътиборсизлиги, мурожаатга ўз вақтида нописанд ёки юзак қараш натижасида келиб чиқади.

Бунга Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги «Махнунтол» маҳалласида яшовчи Олмаҳон Ғофуровдан тушган мурожаат яққол мисол бўла олади.

У Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар мурожаатларини қабул қилувчи 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони» орқали қуйидагича мурожаат қилган:

«Уч нафар фарзандим бор. Никохимиз қонуний равишда бекор қилинган. Собиқ турмуш ўртоғим Отабек Тошбоев туманимиздаги 21-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. У «Деҳқонариқ» маҳалласида яшайди. Алиммент пулларини ундириш масаласида 2018 йилда Фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига мурожаат қилдим. Суд қарори чиқди. Аммо собиқ турмуш ўртоғим қонунда белгилангандек эмас, аксинча, ўзи хоҳлаган миқдорда алимент тўлаб келмоқда. Бу масалада ёрдам сўраб Мажебурий ижро бюросининг Шеробод тумани бўлимига мурожаат қилдим, лекин ҳеч қандай натижа бўлмади...»

О.Ғофуровнинг мурожаати тегишли идоралар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда атрофлича ўрганиб чиқилди. Аниқлинишича, ҳақиқатан ҳам Шеробод туманлараро фуқаролик суди томонидан 2018 йилнинг 26 январиди қарздор О.Тошбоевдан фуқаро О.Ғофурова фойдасига вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун иш хақи ва бошқа даромадларининг 1/3 қисми миқдорда алимент ундириш ҳақидаги тегишли қарор ижрога қаратилган. Шунингдек, ижро ҳаракатлари давомида қарздор О.Тошбоевга нисбатан Ўзбекистон Республикасидан четга чиқиш ҳуқуқларини вақтинчалик чеклаш чораси қўлланган. Айни пайтда мол-мулклари ҳақида ваколатли ташкилотлардан олинган маълумотлар асосида унинг яшаш манзили кўздан кечирилган ва унга тегишли мол-мулк мавжуд эмаслиги аниқланган. О.Ғофуровнинг касаба уюшмаларига мурожаатини ўрганиш давомида йўл қўйилган сансалорлик натижасида О.Тошбоев алимент тўловларидан 14 миллион сўм қарздор экани маълум бўлган. Ушбу алимент 2024 йилнинг 29 май кунини тўлиғича О.Ғофурова фойдасига ундириб берилган.

Худди шундай эътиборсизлик ва сансалорлик тўғрисида Шеробод тумани «Ойинли» маҳалласида яшовчи Наргиза Садатованинг ҳам ҳаловати йўқолди. Ахйри у «Хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони»га тумандаги «Тароқли» маҳалласида 2 хонали уйи борлиги, аммо ҳеч ким яшамаслиги, шундай бўлса-да, унга электр энергиясидан 450 минг сўм қарздорлиги борлигини маълум қилишган. Шу йил бошида эса тармоқ ходимлари ҳеч ким йўқ уйга келиб, асосиз равишда 900 минг сўм жарима солишиб, уйини электр тармоғидан узиб қўйишган. Айни пайтда ўзи иш жойи узок бўлгани учун онасининг уйда яшаб, ўша ердан ишга қатнаётганини, электр ҳисоблагични текширтирганда, 48 минг сўм пули борлигини, шундай бўлса-да, нега унга бундай катта миқдорда жарима солишганини аниқлаш учун уч ой давомида электр тармоқлари идорасига қатнаб, ҳеч бир натижага эриша олмаганлигини билдирган.

Ушбу мурожаат ҳам ижобий ҳал этилди. Бу ҳақда «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти Сурхондарё худудий филиалдан олинган жавоб хатида муаммо ечимини топиб, хонадон электр энергияси билан таъминлангани айтилган.

Хаёт гирдобини, турмуш қийинчиликлари одам боласини қутилмаган муаммоларга дучор қилверадиган. Шундай экан, уларга ечим топиш, юртдошларимизнинг тўқис яшашини таъминлашга ҳисса қўиши - ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи лозим. 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони» ходимлари фуқаролар ҳаётида юзага келган муаммоларни катта ёки кичик дея сараламай, алоҳида эътибор билан қараётгани ана шу бурчининг жиддий билан ўталаётганидан далолатдир.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»

«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»ДАН ТАДБИРКОРЛИККА

Хоразм вилоятининг Шовот туманида «Аёллар дафтари»нинг 5-босқичига киритилган жами 5 минг 500 нафар хотин-қиздан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 4 минг 226 нафарига амалий ёрдам кўрсатилган. Ушбу дафтардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож 3 минг 565 нафар ишсиз аёлнинг бандлиги таъминланиб, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 246 нафар эҳтиёжманд хотин-қизнинг 180 нафарига кредитлар ажратилди. Шунингдек, боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд аёлларнинг 92 нафари «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам маблағларига эга бўлди. Уй-жой таъмирига муҳтож опа-сингилларимиздан 2 нафарига бу борада амалий ёрдам берилди. Аёлларнинг 42 нафарига ижара компенсациялари тўлаб берилди. Қарамоғида ногиронлиги бўлган болалари бор эҳтиёжманд аёлларнинг 179 нафарига бир марталик моддий ёрдам пуллари ажратилди.

Жумладан, туманининг «Шовот» маҳалласида яшовчи Хуршида Бобонова 5-босқич «Аёллар дафтари»нинг 2-тоифасида рўйхатда туради. У тадбиркорлик қилиш ниятида банкдан 10 миллион сўм миқдорда кредит маблағларини олиб, турли ширинликларни тайёрлашни йўлга қўйди. Бугунги кунда 8 нафар хотин-қизга бу хунарнинг сир-асрорларини ўргатмоқда.

Туманининг «Оқ олтин» маҳалласида истикомат қилаётган Сабоҳон Ортиқова 30 миллион сўм миқдордаги кредит асосида ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборди. Ҳозирги кунда 10 нафардан зиёд хотин-қизга «Устоз-шогирд» аънанаси асосида тикувчилик сир-асрорларини ўргатиб

келмоқда. Шунингдек, ушбу маҳаллада яшовчи Гўзал Отажонова «Аёллар дафтари»нинг тегишли тоифасига асосан банкдан 33 миллион сўм кредит олиб, нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ихтисослашган кичик цех ташкил қилди. Бу ерда опа-сингилларимиз учун бўш иш ўринлари яратилиб, 7 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Улар билан суҳбатда бўлганимизда, юртимизда хотин-қизлар учун яратилган бу каби имкониятлардан бениҳоя мамнун эканликларини тўққинлашиб гапирди.

– Айни кунларда турли нон маҳсулотларини туман аҳолисига етказиб бермоқдамиз, – дейди Гўзал Отажонова. – Турли оилавий маросимлар, тўй-тантаналар учун кўплаб бу-

юртмалар олиб, ўз оиламиз даромадини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдамиз. Бизни кўплаб-қувватлаб, керакли имтиёз ва имкониятларни яратиб бераётган масъулларга катта раҳмат.

Албатта, мана шундай ёрдамлар эвазига қаддини тиклаган, оиласини моддий жиҳатдан таъминлаётган, фарзандларини бекаму қўст тарбиялаб, вояга етказётган аёлларнинг юзидидаги қувончини, мамнунлигини кўриб, Президентимиз раҳбарлигида халқимизни рози қилиш, қадрини юксалтириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар натижалари ҳаётимизда қанчалик акс этаётганига яна бир бор амин бўламиз.

Гулноза УМИРОВА,
журналист



ИШБИЛАРМОНЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

Айни кунларда пойтахтимизда «Ишбилармон аёл – 2024» кўрик-танловининг туман босқичига иштирокчиларни саралаш ишлари қизгин кетмоқда. Куни кеча бир қатор ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари Мирзо Улугбек тумани маҳалларидаги тадбиркорлик субъектларида бўлишди.

Дастлаб «Тракторсозлар» маҳалласи раиси Абдуҳолик Солиев ва хотин-қизлар фаоли Сурайё Суярованинг тавсияларига кўра, аёллар учун соғломлаштириш маркази очиб, уларнинг соғлом ҳаёт кечиртишларига муносиб ҳисса қўиш мақсадида йигирма йилдан буён фаолият юритиб келатётган Гўзал Алиеванинг иш тутуми билан танишилди. Бу ерда аёлларга спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Улар вақти-вақти билан шифобахш ўлардан тайёрланган дамламалардан ҳам баҳраманд бўлишадди.

Кейинги манзиллар тумандаги 6 нафар аёлни иш билан таъминлаган Гулноза Қодирова ҳамда «Аҳиллик» маҳалласи раиси Адолат Умироқова ва хотин-қизлар фаоли Сайёра Маликова кўмағида 33 миллион сўм кредит олиб фаолият юритаётган Малоҳат Ортиқоваларнинг тикув цехлари бўлди. Малоҳат опа-

нинг айтишича, у 9 нафар аёлни ишга қилган, шулардан 3 нафари цехда ва 6 нафари уйда туриб буюртмаларни қабул қилиб олишадди ва белгиланган муддатда тиқиб беришадди. Муҳими, иш хақи ўз вақтида тўлаб берилди. Келгусида фаолияти кенгайтирилиб, ишчилар сони кўпайтирилади.

«Азамат» маҳалласида фаолият юритаётган «Саодатмаъмур» МЧЖ раҳбари Нозима Жураеванинг тикув цехида ҳозирда 18 нафар ишчи бор. Мавсумий кийимлар тикилганида, уларнинг сони 40 нафаргача етади.

Жараёнда иштирокчилар орасидан муносиблари саралаб олиниб, туман босқичига тавсия этилди.

Комила БОЙМУРОДОВА
«ISHONCH»

Спорт



ҲАМЖИҲАТЛИК ҒОЛИБ БЎЛДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши раиси соврини учун ташкил этилган футбол мусобақасида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ёш ишчи-ҳодимлари тўп суришди.

Мурасосиз, қизгин беллашувлар остида ўтган ўйинларда Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши жамоаси ғолибликни кўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши ҳамда «Ўзтелеком» акциядорлик жамияти жамоаларига насиб этди.

– Ҳамжиҳат бўлиб ишлашимизда, саломатлигимизни мустаҳкамлашимизда футболнинг ўрни катта, – дейди ғолиб жамоа сардори Исроил Исмомов. – Қолаверса, спорт тўғрисидаги ишчимизда унум бор. Шу боис корхонамиз касаба уюшмаси спорт мусобақаларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратади.

Мухаммадрасул КАЮМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт
соғломлаштириш ишлари бошқармасининг
Андижон вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шофиркон ҳамда Гиждувон туманлари кенгашлари ва туманларнинг мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари ҳамкорлигида соҳада фаолият юритаётган ишчи-ҳодимларнинг 100 нафардан зиёд фарзандлари учун «Болалар сайёраси» ёзги оромгоҳида мароқли дам олиш имконияти яратилди.

– Мазкур оромгоҳ болаларга нафақат дам олиш, балки ривожланиш ва саломатликларини мустаҳкамлаш имкониятини ҳам тақдим этмоқда, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Гиждувон тумани кенгаши раиси Юнус Ҳомидов. – Улар турли спорт тадбир-



Ёзги соғломлаштириш

ТАЪТИЛ «БОЛАЛАР САЙЁРАСИ»ДА

лари, интеллектуал ўйинлар, ижодий машғулотлар билан машғул. Шунингдек, ташкил этилаётган тадбирлар болаларнинг билим доирасини кенгайтириш баробарида, уларни юртимизнинг маданий меросига ҳам яқинлаштиради. Масалан, шешрохонлик кечалари, «Ким кўп китоб ўқийди!» шиори остидаги мусобақалар, диққатга сазовор жойларга саёҳатлар ташкил этилаётгани ҳам эътиборга лойик.

Айниқса, Гиждувон кулолчилик аънаналари давомчилари саналган Нарзуллоевлар хонадонига ташриф, у ердаги музей билан танишиш ва кулолчилик ва зардўзлик хунарлари бўйича маҳорат дарсларида қатнашиш болаларга жуда-жуда манзур бўлмоқда.

Ҳозирда оромгоҳда 6 та гуруҳда

13 нафар тарбиячи, спорт йўриқчиси, мусика раҳбари шахматшашка тўғралакларни бўйича алоҳида тарбиячилардан иборат жамоа болаларнинг вақтини мазмунли ўтказишда бош-қош бўлишадди. Аутсорсинг усулида тайёрлаб етказилаётган таом сифати доимий назоратда. Шунингдек, тўрт нафар тиббиёт ходими туну кун болаларнинг саломатлигидан хабардор бўлиб турибди.

Ўғил-қизларнинг саломатлиги ва билим доирасини кенгайтириш учун яратилаётган бундай шароитлар навқирон авлод вақилларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яққол намунасидир.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»



Ярим йилда СУВГА ОҚҚАН ЯРИМ ТРИЛЛИОН СЎМ

...яна қарийб 4 000 000 литр яроқсиз нефть маҳсулотни

«Ўзэнергоинспекция» жуда антика маълумотларни маълум қилди: 2024 йилнинг ўтган олти ойида 91 та ҳолатда 3 миллион 789 минг литр сифатсиз нефть маҳсулотни аниқланиб, сотувга чиқарилишининг олди олинибди.

Аслида, бу айбдорнинг учу экани сир эмас. Энг ёмони, маълумотда таъсир чоралари, ўша маҳсулотларнинг кейинги тақдирини ҳақида ҳеч гап йўқ.

«Ўзэнергоинспекция» ахбороти ҳар доимгидек «асосий айбдор-аҳоли» деган руҳда бошланади:

«Ўтказилган назорат тадбирларида 4 минг 537 та истеъмолчи томонидан табиий газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани аниқланди. Бу дегани 163,3 миллион метр куб табиий газ (249 миллиард 312 миллион сўм) ва 220,7 миллион киловатт соат

электр энергияси (300 миллиард 977 миллион сўм) эгасизлик қурбони бўлган. Бунинг натижасида давлат манфатларига жами 550 миллиард 290 миллион сўм зарар етказилган».

ЯРИМ ТРИЛЛИОНДАН ОРТИК СУММА!

«Шунингдек, 89 та АГТКШ, 94 та иссиқхона, 94 та текстиль корхонаси ва 2 та оҳак ишлаб чиқариш цехидаги ноқонуний улашишлар фош этилди. 75 та ҳолатда крипто актив ва майнинг фаолиятида электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилган. Бу ўғринча ҳаракатлар юзасидан электр таъминоти корхонаси томонидан жами 81 миллиард 604 миллион сўм (15 миллион 909 минг киловатт-соат) қайта ҳисоб-китоб қилинди. Истеъмолчилар томонидан энергия ресурс-

ларидан фойдаланиш қондаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар бўйича 3 минг 382 та маъмурий иш расмийлаштирилди», деб ёзади «Ўзэнергоинспекция» ахборот хизмати раҳбари Навруз Норбобоев.

Ҳўш, бу рақамлар нимани билдиради? Соҳанинг коррупция ўчоғига айланиб бўлганини! Соҳанинг эгасизлиги, ҳисоб-китобларнинг умуман издан чиққанини!

Хар йили энергетика тизими раҳбарияти халқ олдида чиқиб, «биз фалон миқдор суммани давлат томонидан компенсация қиламиз», дея бонг уришади. Айтинг-чи, аниқлангани шу, аниқланмагани яна қанча баро-

«Ishonch» ракурси

барга катта маблағни ташкил этувчи бу пуллар ҳам ўша компенсациянинг ошишига омилми ёки йўқми? Ахир маҳсулотнинг таннархига буям жуда жиддий таъсир қилишини нега айтмайсиз?

Нега истеъмолчи ноқонуний улашишларга қўл урмақда? Буни таҳлил қиладиган мард йўқ. Энергетиканинг самарасизлигини «таъминлаб» қўйган соҳа мутасаддилари, аслида, тадбиркорлар маҳсулотлари таннархининг ҳам бир неча баробарга ошишини «таъминлаб» қўйишмаяптими?

Умуман, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятларни аниқлашдан нарироққа ҳам ўтишлари керак, чамаси. Таҳлил қилиб кўрилса, иқтисодий ривожлантиришнинг асосий рицағларини тозалашда оқсимоқдамиз, бу - факт!

Халқнинг истеъмоли умумий истеъмолнинг жуда оз қисмини ташкил этишини биладиган иқтисодчилар, ўрнатилган лимитлар ортда нима турганини тушунишга ҳам қийналиб қолишмоқда.

Энергетиклар эса... уларнинг ҳам кўзини очадиган вақт келди, чоғи...

Саволлар кўп: сифатсиз нефть маҳсулотлари қаердан келди, қандай келди? Уларнинг келиб чиқиши, Ўзбекистонга четдан олиб келинган бўлса, қандай қилиб олиб кирилгани ва ҳоказо ҳақида саволлар нега ўрғанилмайди? Қолаверса, шунча тонна сифатсиз маҳсулот ҳозир қаерда? У қандай қилиб йўқ қилинди? Қаерда йўқ қилинди, экологияга таъсири истисно қилинганми?

Эҳ, ақл жамиятида бўлганида-ку!.. Қачон биз ҳам одамларга ўхшаб, виждон олдида жавоб беришга ўрганилганми-а?..

Аброр ЗОҲИДОВ
«ISHONCH»

Мулоҳаза



ҲАЙДОВЧИСИЗ АВТОБУСЛАР



Жанубий Кореяда шу пайтгача ҳайдовчисиз бошқариладиган таксилар бор эди. Кейинги пайтларда эса сеуллик йўловчилар шаҳар марказлари бўйлаб қатнаётган дунёдаги шундай илк тунги автобусдан фойдаланишмоқда. Бу автоном жамоат транспортнинг пайдо бўлиши ўзига хос янгиликка айланади. У муаммосиз ишлайди, фавқулодда вазиятларда эса ҳайдовчилар ёрдамга шай туришади.

Баъзи кишилар автоном автобуслар шаҳардаги жамоат транспортга боғлиқ муаммоларни ижобий ҳал этишга, жумладан, тунги саёхатчилар мушкулларини осонлаштиришга хизмат қиладиган, деб ҳисоблашади. Бироқ миллионлаб доллар турадиган замонавий технологиялар асосида ҳаракатланиши боис уларнинг нархи жуда қimmat.

ҚОҒОЗГА ҚЎЛДА ЁЗИШНИНГ ФОЙДАСИ



Бугунги кунда компьютер ёки телефонда ёзиш ишларини клавиатуралар ёрдамида амалга ошириш тобора оммалашмоқда. Аммо мутахассисларнинг таъкидлашича, ручка ёки қаламда қоғозга ёзишни яхши ўрганиш инсоннинг, айниқса, ёш боланинг ҳарфларни товушлар билан боғлай олиши, мияси яхши ривожланиб, фикрлаш доираси кенгайиши ва хотираси мустаҳкамланиши учун ўта муҳим аҳамиятга эга экан.

ТУҒИЛИШ КАМАЙИШИ ОҚИБАТЛАРИ



Хозирги пайтда Хитойда туғилиш даражаси рекорд даражада паслаган ва бу жараённинг яна давом этиши кутулмоқда. Бу муаммо мазкур давлатда 1980 йилдан 2015 йилгача давом этган «бир болалик» сиёсатининг салбий оқибати бўлиши мумкин. Гарчи 2021 йили бу чеклов учта болага кўтарилган бўлса-да, эр-хотинлар кўп фарзанд кўришни истамайдилар.

Шанхайдаги Natunakids болалар кийим-кечаклари бренди асосчиси ва бош директори Ян Чжаннинг айтишича, компания савдосига туғилишнинг пастиги ҳозирча салбий таъсир кўрсатмаган, лекин келгуси 3-5 йил ичида сотувлар камайиши кутулмоқда. Саноатдаги ўзгаришлар туфайли баъзи истеъмолчилар сеvimли брендлари банкрот бўлишини ҳавотирланмоқдалар. Бозор таҳлилчиси Шаун Рейн эса одамларни чақалоқлар кийим-кечакларини тикидиган компаниялар янада камайиши, даромадлари озайиши ва қimmatли қоғозлар нархи тушиши ҳақида огоҳлантиради.

Севинч РАВШАНОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги «Яшил худуд» давлат унитар корхонаси эълон қиладиган: Тошкент вилояти Бўстонлик тумани «Коронкул» МФЙ худудиди барпо этилган яшил боғни суғориш учун ер ости сув қудуғи қазини ишларига бургулаш корхоналарини шартнома асосида таклиф этади.

Ўз хизматларини таклиф этадиган корхоналарга қўйиладиган талаблар: мазкур йўналишда тажриба ва малакага эга бўлиши зарур.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли, Навбахор кўчаси, 2А-уй.
Телефон: 94 666-92-90.

«Яшил худуд» давлат унитар корхонаси.

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани давлат хизматлари марказидан рўйхатдан ўтган «Galaxy international association» МЧЖнинг муҳри йўқолгани маълум қилинади.
Мурожаат учун: (90) 330-57-35

ҚАРОВСИЗ ҚАСРГА НЕГА ҲЕЧ КИМИЗИҚМАЙДИ?

Пойтахтнинг энг сўлим жойида, Мустақиллик майдонининг шундоқ рўпарасида бир қаср бор. Учинчи аср билан юзлашаётган бу иншоот қанчадан қанча тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Бино мустаҳкам ва пишиқ қурилгани учун неча асрларга дош бериб турибди. У яна кўп йиллар нуфузи ва чиройини сақлаб қолаверсин? Бир нарса дейиш қийин. Чунки...

Бу ҳақда сўз юриштидан олдин унинг тарихи ҳақида икки жумла сўз:

Ушбу маданий ёдгорлик 1891 йилда қурилган бўлиб, унда Россия императори оиласининг вакили - шаҳзода Николай Романов ўз оиласи билан истиқомат қилган. Тарихий иншоот меъморлар Алексей Бенуа ва Вильгельм Гейнселман ҳамкорлигида Роман-Византия меъморчилиги услубида, овчилар кўрғонига ўхшатиб қурилган. Бино икки қаватдан иборат бўлиб, биринчи қаватда хашаматли меҳмонхона ва қабулхона жойлашган. Унинг пастки қисмини равоқли омборхона ва хўжалик хоналари эгаллаган. Ертўла қисми ҳам яшаш учун мўлжалланган бўлиб, ёзнинг жазирасидан сақланиш мумкин бўлган. Иншоот қурилишига Наманган, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент усталари жалб этилган.

1907 йилда ҳовли атрофи металл панжара билан ўралган. Бино олди турли овчи ҳайвонларнинг ҳайкаллари билан безатилган. Сўнгра ҳовли чеккасида қўшимча равишда отхона, хизматчилар уйи ҳам барпо этилган.

Князь Николай Романов бадиий тасвир ихлосманди бўлган. У Санкт-Петербургда олиб келинган Европадаги машҳур рассомларнинг ноёб асар-

ларини йиққан. Қасрда расмлар коллекциясидан ташқари маданий қийматга эга 500 дан ортик буюм бўлган.

Николай Константинович Тошкентдаги қатор корхоналарнинг эгаси бўлган. Князь кўплаб бинолар бунёд этилишига, жумладан, кинотеатр, театр, клуб ва касалхона қурилишига катта ҳисса қўшган. Уларни моддий қўллаб-қувватлаган.

Н.Романов 1918 йили вафот этади. Ўлимидан олдин у қасрини давлат ҳисобига ўтказиб, уйни жиҳозлари билан биргалликда музейга айлантиришни васият қилиб кетган.

Саройда дастлаб Туркистон халқ университети музейи ташкил этилди. Кейинчилик Республика марказий бадиий музейига, 1934 йилда эса Республика пионерлар саройига айлантирилди. Иншоот 1980 йилда Ўзбекистон заргарлик буюмлари ва антиквариат музейи мақомини олади. Унда ўлкамизда яратилган қадимий заргарлик буюмлари, нодир коллекциялар сақланган. Музей 1990 йил ўрталаригача фаолият юритган.

Мустақиллик йилларига келиб, иншоот қайта таъмирланди. Ташқи ишлар вазирлигининг хорижий меҳмонлари учун қабул маросимлари ўтказишга мослаштирилди.

Николай Романовга тегишли бўлган уй жиҳозлари Ўзбекистон Санъат музейи экспонатларининг бирламчи ашёлари бўлиб, 1919 йилда Санъат музейининг яратилишига асос бўлган.

Ён-атрофида хорижлик сайёҳлар айланиб юрадиган Романовлар собиқ қароргоҳининг бугунги аҳоли ачинарли. Ўт-ўланлар ўсиб ётибди. Нега йиллар олдин экилган дараклар қурий бошлаган. Арча дараклари сувсизликдан батамом қуриб битган.

Қадимий ёдгорликлар жамланмасига киритилган бу бино мустақилликнинг дастлабки йилларида Ташқи ишлар вазирлиги балансида бўлган. Вазирликнинг қабуллар маросимлари учун хизмат қилган. Кейинчилик маълум муддат Тош-



кент шаҳар ҳокимлиги ҳисобида турган. Бугунги кунда Романовлар қасри Маданият вазирлиги балансида. Копток сингари у вазирликдан бу вазирликка отилган қаср пойтахтнинг қоқ марказида эгасиздек шўппайиб турибди.

Тарихий иншоот 2019 йили Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан реконструкция қилиниши ҳамда Давлат санъат музейи филиалига айлантирилиши назарда тутилган. Меъморий лойиҳанинг асосий ғояси бино атрофида юз йиллик даракларни сақлаш ҳолда, фаввораларни тиклаш бўйича ландшафт дизайни ва техник ишланмаларни ўз ичига оладиган қўшимча яшил майдонларни яратишдан иборат бўлган. Режага қўра, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларига хорижлик компанияларнинг жалб этилиши назарда тутилган.

Мана, орадан беш йил ўтяптики, таъмирлашдан дарак йўқ. Реконструкцияга тайёргарлик муддати йилларга чўзилиб кетяпти.

Тарихий ёдгорликни кўришга келган сайёҳлар билан суҳбатлашдик.

- Мен неча йиллардан бери қозғистонлик сайёҳлари юртинизга олиб келаман. Сўнги йилларда Ўзбекистонга келишни хоҳловчилар сони ортмоқда. Мамлакатинизда йилдан-йилга туризм соҳасида ижобий сўлжислар бўлаётганини тан олмасдан иложимиз йўқ, албатта, - дейди Қозғистондаги сайёҳлик фирмаси бошлиғи Наталья Волкова. - Бироқ сайёҳлар кўришни хоҳлаган айрим жойлар қаровсиз, аянчли ҳолатда. Нега йиллардан бери қўлфолоғик турадиган князь Романовлар саройи ҳам шулар жумласидан. Сайёҳлар қаср ичкарасини кўришни ва ўша давр Романовлар сулоласи вакилининг ҳаётини яқиндан билишни хоҳлашади. Афсуски, реконструкция жараёни чўзилиб кетяпти.

Ҳа, ушбу қасрнинг бетакрор дизайни, ўрта асрларга хос Европа услуби кўплаб хорижликларни қизиқтиради.

Бироқ... Узокдан туриб ташландиқ қасрни томоша қилиш кишига ҳеч қандай завқ бермайди. Кўнгилда ачиниш пайдо бўлади, холос.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»



Кувончбек Тўраев олган суратлар



Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон
халқ шоири

Одамлар бор – ҳайдаб юрар фақат сурув-сурув гап,
Гулираъно бугдойлари – Фарғонада «дув-дув» гап.
Гулираъно ким ўзи у, деб сўрасиз эҳтимол,
Риштондаги «Қайрағоч»да униб-ўсган навниҳол.

Беҳишт боғидан нишон деб, дилкаш дебон, дилрабо,
Бу жойларни мақтаб ўтган, хатто Муқимий бобо.
Айтай энди, эй ёронлар, келгаж гапнинг хонаси,
Йўлчибойдир отасию, Озодаҳон – онаси.

Бу «Қутлуг қон» романида келган Йўлчибой эмас,
Аммо лекин нега дўстлар бу Йўлчибой бой эмас?..
Кимлар ивво ўчоғига ўт қалаб, ўт ёқарди,
Дийдираган пайкаллардан мустақиллик боқарди.

Ҳақ-ҳуқуқи топталган бир миллатнинг зорларидан
Сўйлар эди уч кунлик дон Ватан омборларидан.
Ҳамма нарса бор эдию, гўё эрк ҳам бор эди,
Ҳамма нарса бор эди, лек элу юрт ночор эди.

Ўшал оғир кунлар аро рағбат топмай, эътибор,
Юртим, не-не Йўлчибойдай деҳқонларинг бўлди хор.
Ёт элларда хору абғор – мисли сабил жонларинг,
Мардикорлик бозорларинг тўлдирди ўелонларинг.

Тунд, қоронгу кечаларда чирогинг ёнмай сира,
Юпун, яриб рўзгорингни баттар этарди хира.
Ўша пайтлар бошланганди фермерлик ҳаракати,
На барори бор эди, на бор эди баракати.

Эру хотин фермер бўлди яхши ниятлар билан,
Ер олишди, ер чопишди минг азиятлар билан.
Лекин бордир ушбу ишда маълум қонун-қоида:
Барча ишлов бўлмоғи шарт ўз вақти, ўз жойида.

Аммо қизиқ эди давр: гоя бору муҳит йўқ,
Ўғит бўлса, сув танқисдир, сув бўлса гар – ўғит йўқ.
«Эру хотин – қўш ҳўкиз» деб ярим тунда қайтарди,
Аёл боши билан хотин трактор ҳам ҳайдарди.

Бир жафокаш оила на тиним билди, на қўним,
На турмушда файз бор эди, на ишда бир нурум.
Адолату ҳаловатдан ҳеч ошнолик кўрмаган,
Заҳмат чекиб, жон чекиб ҳам бир рўшнолик кўрмаган.

Ўшал оғир замонларга бир зум қайтайин энди,
Қийин кечган мажлислардан бир гап айтайин энди:
Озакидан доимо «беш» олиб келган қаллоблар,
Эл бошига иш тушганда туркчилик қазоблар.

Замон ичра шиква айлаб ҳар тўғрию эгритдан,
Отдан тушган булсалар-да, тушмаганди эгардан.
Ўйламангким, бу мозиждан бир нақл ё ривоят,
Бу – яқин шу ўтмишдан бир мунгли, ҳазин ҳикоят.

Мана шундай кунлар аро тугилди у қизалоқ,
Мисоли бир қизалдоғу мисоли бир исмалоқ.
Бу хонадон фарзандлари – янги замонга тинсол,
Бир қизалоқ ўсиб бунда бугдой майсаси мисол.

Қиз болани не учун бу «онажон» деб алқаймиз,
Жисму жони жонга пайванд, жонанжон деб алқаймиз.
Уч ёшидан отасининг ёнида у пилдираб,
Пайкалларга борар эди ишў ирмоқдай жилдираб.

Гулираъно кўйгандилар гарчи унинг исмини,
Болаликдан соғинарди бугдойзорлар исини.
Бир кўмсовдай кечар эди полапонлик паллалар,
Хайлини банд этарди у ям-яшил далалар.

Қўш қизалоқ яйрар эди оила гулзориди,
Ўғил бола йўқ эди лек дилбандлар қаториди.
Элда бундай оталарни жаннатий берлар асли,
Умр – айни ёз фаслидир, умр саратон фасли.

Иншооллоҳ, эл олдида ёруғ бўлгай юзимиз,
Отасига айтди бир кун Гулираъно қизимиз:
Бағрингизда майли шоду хандон ўйнаб-кулойин,
Ўғлим йўқ деб ўксинманг ҳеч, мен ўғлингиз бўлойин.



ГУЛИРАЪНО БУҒДОЙЛАРИ Келажак бунёдкорлари!

Ўтди қанча ранжу алам, ўтди қанча риёзат,
Мамлакатда эл ўзгарди, ўзгарди ҳам сиёсат.
Қалди роқлар тўлдиргандай еру кўк, осмонларни,
Бош Меъморлар келди охир бу давру замонларни.

Кўрмайин бу айёмларнинг кўркем қасри бунёдин,
Не-не Ҳазиний боболар ҳазин ўтди дунёдин.
«Ўткан кунлар» асорати кетмас ҳаргиз диллардан,
Қодирий ҳам бир меҳмондай кетмиш бу манзиллардан.
Маъмуржони жон берганда наво айлар чоғида,
Бутун бир эл жон берганда Маргилоннинг боғида.

Таққиланган кўшиқлардан айтсин тирик шоҳидлар –
«Ўзбегим» деб армон билан ўтди Эркин Воҳидлар..
Янги замон шиддатлидир, утар гулдурас солиб,
Унинг ҳар бир тошқинидан бир «Шоҳнома» ол ёзиб.

Наинки бир Фарғонада, борлиқ кавну маконда,
Бир тонг отди ярқираган Янги Ўзбекистонда.
Бу шеъримни мен атайин ё журтага чўзмадим,
Она юртим, хасингдан ҳам асло кўнгул узмадим.

Гарчи тунлар пайкалида дондай бир сўзга зорман,
Ўрогинг ҳам, машоғинг ҳам, бошоғинг ҳам борман.
Бу шеъримни сенга битдим, босди ҳаяжон, синглим,
Гулираъно, жон синглим-ай, Гулираъно, жон синглим!

Ўзбекистон Қаҳрамони Лола опа шоғирди –
Қиз боланинг отасига жони доим оғирди.
Зукко эди, Лондонларда олса бўларди таълим,
Лекин унга шу заҳматқаш зотлар бўлди муаллим.
Йироқ эди кибру ҳаво, сохта шараф-шонлардан,
Тупроқ илмин ўрганди у тупроқдай инсонлардан.

Она юртим, мен болангман, қошу кўзим ўзингсан,
Отанжоним ўзингдирсан, онажоним ўзингсан.
Қўлларининг қадовида минг-минг тақдир изи бор,
Қафларингизда бугдой иси, нон ва тандир иси бор.
Гулираъно десам, шу он бугдой, нон иси келар,

Соғинтирган сингилларнинг меҳрибон иси келар.
Шу боисдан дунёда энг хушрўйимсан, Ватаним,
Бугдойбўйим Ватанимсан, хушбўйимсан, Ватаним!

Сен ўзингсан заҳматларга бардош берган, дош берган,
Дуо айлаб, элу юртга қўйи берган, ош берган.
Миллён-миллён ботмон бўлди кўтарган хирмонларинг,
Олтин бошоқ тонелар бўлди минг йиллик армонларинг!

Ҳали бу халқ миллат бўлиб бундай бугдой ўрмаган,
Бугдой ўриб, хирмон кўриб, бундай хирмон кўрмаган.
Садағаси кетсанг арзир давру давронлар учун,
Ватаним деб жонинг тиккан марди майдонлар учун!

Шу элимга давлат берсин, гурур берсин, номус-ор,
Ризқу рўзин бутун қилсин Яратган парвардигор.
Дилбандларга она Ватан ягонадир, танҳодир,
Гулираъно бугдойлари – миллён-миллён тоннадир!

Бир қизингда қанча хислат, қанча ҳикмат кўрдим мен,
Бугдойзорлар аро кезиб бугдой сўзим ўрдим мен.
Эй Фарғона, замонавий Кумушхонлар диёри,
Гулираъноларинг буевун келажак бунёдкори.
Шу боисдан дунёда энг хушрўйимсан, Ватаним,
Бугдойбўйим Ватанимсан, хушбўйимсан, Ватаним!..

28.06. - 7.07.2024 й.
10-11.07.2024 й.

Тахририятдан: Ушбу шеър қаҳрамони Гулираъно Холиқова Риштон туманидаги «Холиқов Йўлчибой» фермер хўжалиги бошлиғи. У Президентимизнинг 2024 йил 27 июндаги фармони билан «Келажак бунёдкори» медали билан мукофотланган.

Қорор ва ижро

ИЧАН ҚАЛЪАДА ЯНГИ МУЗЕЙ

Хивадаги эртақнамо шаҳар – Ичан қалъада сайёҳлик йўналиши йўл харитасидаги манзиллар сони яна биттага кўпайди. Тарихий қалъа худудидида жойлашган меъморий ёдгорлик – Отамурод қушбеги масжиди биносиди «Хоразм ипакчилиги тарихи» музейи фаолият бошлади.

Маълумки, Хоразм, жумладан, Хива шаҳри Буюк ипак йўлида жойлашгани туфайли ўтмишда узоқ-яқиндан келган карвонлар шу ерда кўним топишган. Бу, ўз навбатида, бошқа соҳалар қатори савдо-сотиқ, шу жумладан, ипакчилик

ва у билан боғлиқ хунармандчиликнинг узоқ йиллик тарихига асос бўлган. – Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 27 майдаги «Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қа-

рорида фойдаланилмаётган маданий мерос объектларини музейлар, кўргазмалар, арт-резиденциялар, маданият ва туризм объектларига айлантириш чораларини кўриш долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланган эди, – дейди Ичан

қалъа давлат музей-кўриқхонаси катта илмий ходими Ҳамза Мадалиев. – Музейни ташкил этиш жараёнида мониторинг амалиёти ўтказилиб, соҳа мутахассислари ва сайёҳларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари ҳам инобатга олинди.

Музейни барпо этиш асосида 1816 йилда бунёд этилган, аммо анча вақтлардан бери қаровсиз аҳволда бўлган тарихий-меъморий обиди Отамурод қушбеги масжиди биноси ҳам таъмирланди. Қолаверса, тўрт нафар киши доимий иш билан таъминланди.

Келгусида илмий-амалий изланишлар асосида кўргазмадаги осори атиқаларни янада кўпайтириш, ходимлар сонини ҳам ошириш кўзда тутилган.

Бугун музейга ташриф буяраётган маҳаллий ва хорижий сайёҳлар бу ердаги нодир экспонатлар билан танишиб, қимматли маълумотлардан хабардор бўлиш билан бирга, пилладан ип олиш, табиий бўёқлардан фойдаланиш, ипак мато ва гиламлар тўқиш жараёнида ҳам бевосита иштирок этиб, унутилмас таассуротлар олишмоқда.

Шунингдек, музей сахнида сайёҳларнинг ўзбекона дастурхон атрофида бир пиёла чой ичиб хордик олишлари учун ҳам қулайликлар яратилган.

Хоразм ипакчилиги тарихи музейи ва соҳага оид хунармандчилик устахонаси сайёҳларни чорлаб қолаверади.

Отабек ИСМОИЛОВ,
журналист



MYACCCIS:
Ўзбекистон қасба уйushмалари Федератсияси

ISSN 2010-5002
2007-йил 11-январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-90-24
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri ta'hiriyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrirlari:
J. Nahanov,
S. Abdurahmonov

Musahhih:
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 00:10
Topshirildi – 00:30

Bahosi kishilagan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 34 231 ta
Shundan:
7 155 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
18 677 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
8 399 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uйда chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-711
1 2 3 4 5 6